

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 апрель куни Европа Иттифоқи делегацияси билан бўлиб ўтган учрашувида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда ЕИ институтлари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича навбатдаги қадамлар кўриб чиқилди.

Европа томонидан қабулда ЕИнинг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хақала иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги юксак даражаси ва натижадорлиги катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Кейинги йилларда Европа томонидан тақдим этилган "GSP+" шароитлари туфайли ўзаро савдо ҳажми ва муваффақиятли инвестиция лойиҳалари сони жадал ортиб бормоқда. Бундан ташқари, маданий-гуманитар соҳада муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЕИ вакиллари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотлар стратегиясини қатъий қўллаб-қувватлашни яна бир бор таъкидлади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини, гендер тенгликни ривожлантириш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва бошқа

йўналишларда эришилган муваффақиятлар юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича бўлажак референдумнинг аҳамияти қайд этилди.

Европа томони, хусусан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатларини янада кучайтиришни, шу жумладан, "Миранда қондалари" ва "Хабас корпус" институтини жорий қилишни, ижтимоий ва экологик ҳуқуқлар, ёшлар ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни, ўлим жазоси бекор қилинганини мустаҳкамлаб қўйишни ҳамда бошқа нормаларни кўзда тутувчи ўзгартиришларни олқишлади.

Минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди, бўлажак қўшма тадбирларга тайёргарлик кўриш масалалари қўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДАГИ ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни сув хўжалигида ва фармацевтика саноатида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилиш аввалида сув хўжалигидаги 4 та катта масала таҳлил қилинди. Булар каналларда сув йўқотилиши, насос станцияларининг энергия истеъмоли кўпчилиги, сув захиралари камлиги ҳамда сув тежовчи технологиялар билан боғлиқ.

Хусусан, каналларнинг фойдали иш коэффициентини пастлиги ва ички тармоқларда сув кўп йўқотилиши оқибатида қишлоқ хўжалигида йилга 4 миллиард 800 миллион доллар кам даромад олинапти.

Шу боис, таъриба тарихида Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида ёпиқ қувурли сугориш тизимини жорий қилиш энг юқори бўлган Қашқадарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларида ҳам амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Бунга илм билан ёндашиб, лойиҳа харажатларини қисқарттириш, ёпиқ қувурли сугориш тизимини жорий қилиш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиш юзасидан топириқлар берилди.

Маълумки, узоқ далаларга сув насос станциялари ёрдамида етказилади. Уларнинг аксарияти эскилиги туфайли электр энергияси истеъмоли жуда юқори. Ҳали бирорта ҳам йирик насос станцияси муқобил энергия манбаига ўтказилмаган. Шартлар аниқ белгиланмагани сабабли кўп тадбиркорларнинг лойиҳалари тўхтаб турибди, бюджетдан электр учун катта маблағлар сарфланапти.

Шу боис, насос станцияларини хусусий шерикликка бериш, уларда муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бунга "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети олимлари жалб қилинади, самарали лойиҳаларга қулай шартларда кредитлар берилади.

Минтақамизда сув танқис бўлган бир шароитда, юртимизда йилга

1 миллиард метр куб сел сувлари беҳуда оқиб кетаяпти.

Президентимиз сел сувларини кичик манбаларда жамғариш мумкинлигини, бу борада ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Бундай лойиҳалар учун 100 миллион доллар жалб қилинадиган бўлди. Уларнинг ҳисобига сув чиққан майдонлар тадбиркорларнинг ўзларига узоқ муддатга эркин фойдаланиш учун берилди.

Ҳозирги кунда 450 минг гектар ёки сугориладиган майдонларнинг 15 фоизи лазерли технологияда текисланган. Агар бундай ерлар 2 баравар кўпайтирилса, яна 900 миллион метр куб сув тежалди, қўшимча 200 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади.

Шунинг учун жорий йилда мингта лазерли текислагич олиб келиниши, кластерлар томонидан фермерларга лазерли текислаш хизматлари йўлга қўйилиши белгиланди.

Сўнгги йилларда 400 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиялари жорий қилинган. Бу йил яна 80 минг гектар майдонда ишлар бошланган.

Бундай технологияларни янада рағбатлантириш мақсадида шу йил 1 апрелда имзоланган қарорга мувофиқ, донли экинлар ва сабзавот етиштиришда сув тежовчи тизим жорий қилинган ҳар бир гектар учун субсидия миқдори ҳозирги 1 миллион сўмдан 8 миллион сўмга оширилди. Банк кредит ставкаси фермерлар учун 17 фоиз этиб белгиланди.

Бу имкониятларни миришкорларга етказиб, молиявий рағбатлантириш мумкинлиги қайд этилди. "Агробанк" ҳузирида сув тежовчи тизим жорий қилинган ҳар бир гектар учун субсидия миқдори ҳозирги 1 миллион сўмдан 8 миллион сўмга оширилди. Банк кредит ставкаси фермерлар учун 17 фоиз этиб белгиланди.

Йиғилишда фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Сўнгги олти йилда бу соҳада жами 527 миллион долларлик 177 та лойиҳа ишга туширилган. Хорижий инвестициялар 9 баробарга ортиб, 35 та корхона

ҳалқаро GMP стандартини жорий этган. Натижада ишлаб чиқариш 3 баробарга, экспорт 5 баробарга ошган.

Лекин маҳсулотлар бозорини топиш, сифат ва рақобат борасида масалалар кўпчилиги сабабли ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми бироз камайган, импорт эса ошган.

Шу боис, йиғилишда фармацевтика соҳасида қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, тармоқда умумий қиймати 725 миллион долларлик 207 та лойиҳани амалга ошириш, шундан 68 тасини бу йил ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларга кредит юқини енгиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Шунинг учун Асака банк лойиҳаларнинг 25 фоизгача қисмига ўз улуши билан кириб, инвестор сифатида иштирок этиши белгиланди. Маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш ва айланма маблағ билан таъминлашга 300 миллион доллар узоқ муддатли кредит ресурслари жалб қилинади. Банк ҳузирида фармацевтика лойиҳалари маркази очилиб, тадбиркорларга ёрдам кўрсатади.

Кам қувватда ишлаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳисобига 400 турдаги янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва 670 миллион долларлик импорт ўрнини қоплаш мумкинлиги айтилди. Бунинг учун корхоналарга 18 ойгача муддатда 1 миллион долларгача "револьвер" кредит, экспортчиларга тушум сугуртасини гаровга олган ҳолда 2 миллион долларгача кредит берилди.

Онкология ва онкогемотология учун зарур бўлган дори воситалари ва моддаларни хориж технологияси асосида юртимизда ишлаб чиқариш имконияти кўрсатиб ўтилди. Соҳадаги қўллаб-қувватлаш GMP сертификати талабларига мослаштириш вазифаси қўйилди.

Тошкент фармацевтика кластеридаги лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топириқлар берилди.

ЎЗА

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

**МАТОНАТЛИ
ХАЛҚ ЯРАТАЁТГАН
ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ**

Янги таҳрирдаги Конституция юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий пойдеворига айланади

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, миллий тараққиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси билан қизгин танишмоқда.

Конституция (лот. constitutio — тузилиш, тузуқ) — давлатнинг асосий қонуни ҳисобланиб, у давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. Конституция барча жорий қонунларнинг асосидир.

Тарихга бир назар

"Конституция" атамаси Қадимги Римдаёқ маълум бўлган (император Конституцияси деб аталган қонун). "Темур тузуқлари" Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятини касб этган. У шарият қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Конституция алоҳида юридик хусусиятларга эга ягона сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади. Давлат ҳокимияти тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланади. Жамият, инсон ва фуқароларнинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланади. Конституция ўзига хос консенсус, ижтимоий шартнома сифатида ўз тараққиёт йўлини танлаган миллатнинг онгли танловидир.

Конституция инсон, жамият ва давлат ўртасида эришилган ўзига хос консенсус ифодаси, барчамизнинг розилигимиз асосида ўз ҳаётимизни ташкил этиш принциплари ҳақида келишув, давлат, унинг сиёсий институтлари ва оддий одамлар ҳаётида амал қиладиган устувор қондалар, деганидир.

Бу бош ҳужжат ўз моҳияти ва юридик табиғатига қўра, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан бир қатор муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради. Хусусан, Конституция

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023**

ция махсус субъект томонидан ёки унинг номидан чиқарилади, конституциявий қондалар таъсис этувчи, йўналтирувчи, бирламчи аҳамиятга эга бўлади, конституциявий тартибга солиш ҳажмининг кенг қамровлилиги билан тавсифланади, яъни у ниҳоятда муҳим ва кенг қўллашдаги ижтимоий муносабатлар доирасига таъсир кўрсатади.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, фаровон жамият барпо этишни орзу қилган, инсон қадри азиз бўлган адолатли давлат қуришни ўз олдига мақсад қилган ҳар қандай халқ давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг машаққатли, шу билан бирга, шарафли йўлини босиб ўтганига гувоҳ бўламиз. Сўнгги йилларда халқимиз янги улғувор марралар сари собит қадамлар билан барча тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтиб, моҳиятан бир-бирини тақозо этувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳалардаги изчил ислохотларни амалга оширмоқ

да. Бугун Янги Ўзбекистон демократик аҳолининг кенг қатлами ва ҳуқуқий либерал борада умумэтироф этилган нормаларга асосланган, бош мақсади халқ учун эркин, обод ҳамда фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатга айланмоқда.

Шундай эзгу мақсадлардан бири аҳолининг кенг қатлами ва ҳуқуқий либерал борада умумэтироф этилган нормаларга асосланган, бош мақсади халқ учун эркин, обод ҳамда фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатга айланмоқда.

Шундай эзгу мақсадлардан бири аҳолининг кенг қатлами ва ҳуқуқий либерал борада умумэтироф этилган нормаларга асосланган, бош мақсади халқ учун эркин, обод ҳамда фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатга айланмоқда.

www.yuz.uz

yuz.uz/news

yuz-official

yuz.uz/news

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ДАЛА ЧЕТИДАДАГИ ХАЗИНА



Одилжон ИБРОХИМОВ,
Фаргона политехника институти профессори,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Деҳқончилик ҳар доим оқиллик ва меҳнатсеварликка таянади. Ўсимлик ўз дардини айтолмайди. Уни парваришлаган деҳқон ер билан тиллаша билиши, ниҳоллар билан диллаша олиши керак. Қайси уруғ серҳосиллигини, ерни экишга тайёрлаш, унинг муддатлари, усуллари, кўчат қолдириш, озиклантириш, сугориш, бегона ўтлар, ҳар хил касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш чораларини аниқ билиши, ҳосилни сифатли етиштириш, териб олиш, сақлаш, харидор топиб, маҳсулотни сотиш сингари юмушларни ташкил эта олиши керак. Деҳқоннинг куну тун қилган заҳмати йўқдан бор қилади, элни боқайди ва ки-йинтиради. Бугунги кунда бу ишларни замонавий техника ва инновацион технологияларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Бу уни ҳаёт билан ҳамнафас яшашига, илм асосида иш юритишга ундайди.

Сиртдан қараганда, буларнинг бари ҳаммага маълум азалий гаплардек туюлади. Лекин уларга амал қилмаслик ёки парваришлаган заҳридаги бирор ҳалқанинг узилиши оқибатида ҳосил тош босмай ёхуд у харидор талабига жавоб бермай қолганидан аттанг дейиш билан даромад буромадга айланади, йиллик меҳнат зое кетади. Алҳисса, замонавий деҳқончилик азалий тажрибаларни инновацион технологияларга уйғунлаштиришни талаб этади.

60 МИНГ ГЕКТАРДАГИ
ИМКОНИАТ

Юртимизда шундай фермер хўжаликлары борки, дала ва йўл четлари-га, ариқ, сув бўйларига экинлар ўрик, олма, анор, узум, хурмо, ёнғок, pista, бодом, жийда каби мевалардан катта миқдорда ҳосил йиғиб олмақда. Улар юқори сифатли ҳосил бериши билан бирга, қўнчаларга фазл, далаларга фунсункорлик бахш этипти. Уларнинг яна

сув бўйларида 600 минг бош парранда боқиш ҳамда қарийб 300 мингта асалара уяси жойлаштириш мумкин. Асаларчилик деҳқонларга фақат дармондори сифатида даромад келтириб қолмай, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириши, уруғ етиштиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Асалари чанглатган гўзанинг ҳосилдорлиги 30, мевали боғлар, мойли экинлар, айниқса, шафтоли, олма, олхўри, бодом, гилос, олча, ўрик каби мевали ўсимликларда 50 фоизга ошариши исботланган. Бу деҳқончиликда илмий асосда йўлга қўйилса, асаларичи оладан даромадининг асосий қисмини чанглатишдан топади.



Шу боис, қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатиш кўламини ошириш мақсадида 50 минг гектар боғ ва 200 минг гектар дала четларида асалари уларини жойлаштириш, қўшимча шароитлар яратиш, аҳолини асалчиликка жалб этиш чоралари ҳам белгилаб берилгани соҳа ривожининг янги босқичга кўтарилишида пойдевор вазифасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Қишлоқ хўжалиги қорхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бу йўналишда деҳқончилик қилиш учун уруғ, кўчат, ўғит ва сув таъминоти мақсадларига 100 миллиард сўм йўналтирилиши, етиштирилган маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш учун қўритиш ва совитиш ускуналарини харид қилишга 50 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Яна бир муҳим жиҳати, фермер хўжалиқларининг дала четларида экиладиган экин, етиштирилдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, боқилдиган парранда ва асалари уялари ҳамда ветичили омборхона ва қўритиш ускуналарини жойлаштириш бўйича прогноз қўрсаткичлар ҳам тақдидланди. Ҳозир фермер хўжалиқлари томонидан ер майдонлари иккиламчи ижарага фақат 1 йилгача берилмаётган бўлса, эндиликда тоқ, тут, терак каби дархатлар кўп йилда етилиши ҳисобга олинди, мазукур муддат 10 йилгача узайтирилди.

Бу вазифалар ижроси юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўлайтириш билан бирга, экологик мусофоланиш таъминлаш, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

ТАҲЛИЛ ВА САМАРА

Қасб тақозоси, илмий изланишлар эҳтиёжи туфайли юртимизнинг кўп қисми ҳудудларида бўлишга, деҳқончилик ишларини кўп йиллар мобайнида кузатиш, таҳлил қилиш, улардан хулосалар чиқаришга тўғри келган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоиздан ортиги сугориладиган ерларда етиштирилади. Аммо еримизнинг 47 фоизи турли даражада шўрланган. Шунингдек, унинг 29 фоизи сув ва шамол эрозиясига учраган. Ушбу ерларнинг 43,6 фоизи ўрта, 23,9 фоизи енгил, 20,3 фоизи оғир, 8 фоизи қумли ва 1,7 фоизи лойли таркибга эга тупроқдан иборат. Табиийки, бу майдонларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг талаб даражасидagi сифатини таъминлаш учун, албатта, ҳосса-хусусиятларини аниқлаб, ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш зарур.

Мажбур ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда экин майдонларини модернизация қилиш зарур. Қўралловчиларнинг таъминоти, ҳозир, Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Фарғона вилоятларида мажбур турли даражадаги шўрланган майдонларга унча чидамли бўлган беда, оқ жўхори, шолини, такорий экин сифатида тарих, махсар каби экинларни жойлаштириш зарур. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва барча тоғ олди дашт-адирли ерларда ҳар хил турдаги ёнғок ва ўрик турларини, pista, бодом, мойли дарахлардан зайтунзорларни, қизилмия плантацияларини ташкил қилиш самарадор.

Президентимиз шу йил 23 март кунги ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда миллиардлаб маблағ сарфлаш эвазига озиқ-овқат

маҳсулотларини етиштириш учун 500 минг гектар қўшимча ер қайтадан фойдаланишга киритилди. Бу ички бозордаги нарх-навоми барқарор ушлаб туриш ва экспортни кўлайитиришга ҳисса қўшмоқда. Фермер ва тадбиркорларга яратилган имкониятлар натижасида эса маҳсулот етиштириш ҳажми ошмоқда. 2022 йилда чорвачиликда қорамоллар 14 миллион, қўй-эчкилар 24 миллион бошга етганини, паррандачилик хўжаликларини сони 1 минг 300 тани ташкил этиб, тухум етиштириш 4, гўшт 28 фоиз ортганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Президентимиз ердан фойдаланиш ва уларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш имкониятларини ишга солиш масаласига катта эътибор қаратиб, уларни ҳаётга таъбиқ этишнинг йўналишларини, молиявий манбаларини, қўрсатилдиган рағбат ва имтиёزلарни аниқ белгилаб берапти.

Давлатимиз раҳбари 17 апрель кунги озиқ-овқат тармоқларини кўлаб-қувватлашга қаратилган тақдирлар тақдими билан танишиш чоғида ҳам мажбур озуқа ва ер етишмаслиги, айланма маблағ билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жағфармасининг грант маблағлари ҳисобидан худудларда сут йиғиш марказлари ташкил этилади. Уларга камида 100 та аҳоли хонадон бириктирилиб, кооператив тизим йўлга қўйлади.

Демак, хонадонларда сут етиштириш янада манфаатли бўлади. Чунки ўртача бир сутқада 10-12 литр сут берадиган соғин сизирга эга оилани кичик қорхонаси бор уй хўжалигига менгаш мумкин. Айни пайтда бир литр ёғли сут қишлоқларда 6 минг, Фарғона шаҳрида эса 8 минг сўмдан харид қилинапти. Агар уни сотмай, қайта ишланса, қаймоқ, сариёғ, қатиқ, қурут, пишлоқ каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Уларнинг сутга нисбатан бозор баҳоси 4-5

марта юқори. Бундан ташқари, сизир ҳар йили бузқ беради.

Маҳаллий шароитда яшаётган оилада хонаки товۇқ ёки уй жўжаси, асосан, туҳуми учун боқилади. Бунинг дастурхонимизини тўқин қилишдаги аҳамияти катта. Харажат ва фойдани 50/50 ҳисобида қўйганимизда ҳам камида ҳар бир товۇқдан 255 дона туҳум олинади. Товۇқ хонадонда гўшт йўналишида боқилганда эса 40-45 кунда тирик вазни 2,4-2,5 килограммга етади. Ҳазм бўлиш коэффициентини 94-95 фоизга тенг, таркибиди 20 фоиз оқсил, 10-12 фоиз ёғ бўлади.

Ана шундай уй ҳайвонларини боқиш ва паррандаларни парваришлаш оилада яшовчи отахона онахоналарга вақтни беҳуда ўтказмаслик учун эрмак бўлса, уйдаги қўвчи-ёшлар фойдали меҳнат билан шуғулланиши ўрганилади.

Балиқчилик учун ҳам қатор қўшимча имкониятлар белгиламоқда. Хусусан, бундан буён табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш онлайн аукцион орқали амалга оширилади. Тармоқда 241 та, жумладан, криветкани саноат усулида етиштириш лойиҳаси амалга оширилди. "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастури доирасида балиқчилик лойиҳалари учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади. Булар эвазига жорий йилда 850 минг тонна балиқ етиштириш мумкинлиги қайд этилди.


Назаримизда, бу йўналишга фермер хўжалиқларида ҳам ўз ҳиссасини қўшиш имконияти бор. Бинобарин, уларнинг кўпчилигида кичикроқ бўлса ҳам ҳовуз мажбур. Ортиқча сарф-харажат талаб қилинмайди. Мазкур ҳовуларда хариддорги балиқ парвариш қилинса, бир тоннагача маҳсулот олиш мумкин. Бозорда унинг бир килограмми 30 мингдан 50 минг сўмгача сотилмоқда. Бу фермерларга ўз хўжалик аъзоларини сервитамин маҳсулот билан таъминлаш баробарида қўшимча даромад ҳам келтиради.

БУГУННИНГ ГАПИ

СОЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

КИМГА НИМА БЕРАДИ?

Ахборот даврининг ўзига хос қоидаларидан бири ҳар қандай хабар ёки янгиликни жуда тез тарқатишдан ортда қолади. Шунинг учун соҳа хизматчилари тегишли хабарларни биринчи бўлиб тарқатишга ҳаракат қилади. Афсуски, айрим ҳолларда маълумотларнинг ноаниқлиги, хато баёни одамлар орасида турли тушунмовчиликлар, нотўғри талкиларни келтириб чиқариши мумкин. Яқинда ижтимоий тармоқларда фуқаролар ўртасида бир пластик картадан бошқасига пул ўтказилиши ҳам солиққа тортилиши ҳақида тарқатилган хабар ана шундай ҳолатга мисол бўла олади.



Солиқ қўмитасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғи Дилдора Ҳошимованинг айтишича, жорий йил 1 майдан жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказималарини амалга оширувчи ташкилотлар қўрсатилдиган хизматлари учун электрон ҳисоббарак фактураларини расмийлаштириш тартиби белги-ланган. Ушбу тартиб ҳақида мулоқот қилиш мақсадида тўлов ташкилотлари, яъни банклар вакиллари кўмитага тақ-лиф қилинган. Тақлиф хатида йиғилиш мавзуси (P2P) операциялари ва улар-ни солиққа тортиш дейилгани фуқаро-лар ўртасида, ижтимоий тармоқларда нотўғри талкин қилинган.

Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 378-моддасига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг бошқа жисмоний шахсдан мерос ёки ҳад тартибда, шунинг-дек, текинга олган пул шаклидаги даро-мадлари солиққа тортилмайди.

Яъни бир жисмоний шахсдан бошқа жисмоний шахсга пул ўтказиш (P2P) операциялари солиққа тортилмайди. Жисмоний шахсдан жисмоний шахсга

пул маблағлари ўтказилганда солиқ муносабатлари юзга келиши ва жисмоний шахсларда солиқ тўлаш мажбуриятлари пайдо бўлишидан хавотирла-ниш мутлақо асоссиздир.

1 майдан айрим товарлар
хариди учун ҚҚС
қайтарилади

Мамлакат тараққиётида солиқнинг аҳамияти катта. Иқтисодиёт ривожини одамлар ҳаёти учун боғлиқ. Шу боис, солиқ тизимидаги ҳар бир ўзга-риш ва янгилик жамоатчиликда қизи-қиш уйғотиши табиий.

Жорий йилда солиқ борасида ҳам ўзгаришлар ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Уларнинг баъзилари амалга киритил-ган бўлса, айримлари устида иш жа-раёни кечмоқда. Жумладан, Презид-ентимизнинг тегишли қарорига кўра, жорий йил 1 майдан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган жисмоний шахсларга чакана савдо объектлари-дан айрим товарларни сотиб олганда

харид суммасидан 1 фоиз миқдордаги кешбэк ўрнига 12 фоиз қўшилган кий-мат солиғи қайтарилади. ҚҚС қайтариб бериладиган маҳсулотлар сирасига эса қўй, парранда ва мол гўшти, туҳум ҳам-да ўсимлик ёғи қиради.

ҚҚСни қайтариб олиш учун "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"даги истеъмолчи "Soliq" мобил иловасини юклаб олиб, Face-ID орқали рўйхатдан ўтиши ҳамда иловада харид чекининг QR-код-ини сканер қилиши лозим.

ҚҚСни қайтаришда сотиб олинган маҳсулот ҚҚС қайтариладиган маҳсу-лотлар рўйхатига киргани, харидор "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"да экани ҳамда тадбиркор ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтгани инобатга олинади.

Агар реестрдаги истеъмолчи ҚҚС қайтариладиган маҳсулотлар билан

бирга бошқа турдаги маҳсулотларни харид қилиб, чеки рўйхатдан ўтказса, ҚҚС қайтариладиган маҳсулотлар учун 1 фоиз кешбэкка эга бўлади.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"даги истеъмолчи ҚҚС тўловчиси бўлмаган тадбиркорлик субъектидан юқоридаги маҳсулотларни сотиб олганда 1 фоиз кешбэк қайтарилади. ҚҚС суммаси чек рўйхатдан ўтказилган ойдан кейин, ой-нинг 25-санасидан сўнг "Soliq" мобил иловаси орқали тўлаб берилади.

Совуқ ҳарорат ва
тадбиркор

Жорий йилги аномал совуқ солиқ борасида ҳам айрим тартиблар иш-лаб чиқилишига сабаб бўлди. Хусусан,

солиқ тўловчиларга 10,4 триллион сўм-лик имтиёزلардан фойдаланишга ку-маклашилди.

Мазукур тадбирлар тадбиркорлик субъектлари фаоллиги ва бюджет ту-шумларига ижобий таъсир қўрсатиб, жорий йилнинг биринчи чорагида солиқ тушумлари 37,9 триллион сўмни таш-кил этди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 триллион сўмга (10 фоиз) ўсди.

Ийрик солиқ тўловчилардан ташка-ри худудларда ўсим 22 фоизни ташкил этди. Қўшилган қиймат солиғи ставка-си 15 фоиздан 12 фоизга пасайтири-лишига қарамастан, 8,4 триллион сўм туширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 808 миллиард сўмга ёки 11 фоизга ошди. Ставканинг пасайиши ҳисобига тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 1,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ қолган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъект-ларининг иш ҳақи жағфармаси олиши натижасида жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан тушумлар 26,5 фоизга ўсди. Бу, ўз навбатида, пенсия жағфармаси даромадлари шакллани-шига ҳам ижобий таъсир қўрсатиб, 22 фоиз ўсшига эришилди.

Маҳаллий бюджетлар мустақилли-гини оширишга қаратилган тадбирлар натижасида мол-мулк ва ер солиқла-рининг ўсиши мос равишда 39,5 ва 28 фоизни ташкил этди. Булар биринчи чорадаги рақамлар.

Мамлакатимизда қўлай инвести-циявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, такомиллашган солиқ тизимини йўлга қўйиш ҳамда эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар мазукур йўналишдаги ишлар изчиллигида ҳам ўз аксини топмоқда. Бинобарин, солиқ давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим ўрин тутди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

